




* Февраль сабоқлари. Ватанфурушлар қиёмати
 * “Чимилдиқ” да: Муқаддас Холиқова ёмон келин эмас
 * Болангизни тарбиялашга кечикмадингизми?
 * Ўн йил ахтарилган қор одам қўлга олинди



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 16 февраль Чоршанба.
№ 14 (14296)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ Қ А Р О Р И

“Соғлом авлод” давлат дастури тўғрисида

Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларга: соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга; давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга; болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилашга; “Меҳрибонлик” уйларида, мактаб-интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтиришга;

ижтимоий тафаккурда етук, ҳар томонлама камол топган ва соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантиришга, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши масалалари бўйича аҳолига ялпи билим бериш тизимини яратишга йўналтирилган “Соғлом авлод” давлат дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, “Соғлом авлод” давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни, уларнинг аҳамияти ва кўламлигини, сарф-харажатлар ҳажмларини ва ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, амалга ошириш 2000 йилда ва кейинги йилларда тегишли ресурслар билан таъминланиши керак.

Давлат дастури топшириқларининг унда белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилиши учун ўзларига

боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарининг муҳим инсоний бурчи деб ҳисоблансин.

3. “Соғлом авлод” давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси, зарурият бўлганда, Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларида иборат ишчи гуруҳлари тузсин ва жойларда дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича ишларнинг ҳақиқий аҳволи ўрганилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси котибияти Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Соғлом авлод учун” жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда “Соғлом авлод учун” жамғармасида жамланаётган молиявий маблағларнинг миқдорлари ва манбаларини танқидий баҳолаб чиқсинлар ва бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Жамғармани “Соғлом авлод” давлат дастурини амалга ошириш бўйича Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда зарур молиявий манбалар билан тубдан мустаҳкамлаш;

вилоятларда Жамғарма филиалларини ташкил этиш, уларнинг тегишли моддий-молиявий базасини яратиш;

Жамғармани ва унинг ҳудудий филиалларини, биринчи навбатда, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Соғлом авлод учун” жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жамғарма

маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда тасдиқлашга киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюмалар, концернлар, корпорациялар ва компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида, манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, “Соғлом авлод” давлат дастурининг бажарилишини кўриб борсинлар. Йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича йил чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача - Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот даврида Давлат дастури топшириқларининг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

7. Давлат матбуот кўмитаси, “Ўзтелерадио” компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари қабул қилинган “Соғлом авлод” давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтириб берилишини таъминласинлар.

Марказий телевидениеда ва вилоятлар телевидениеларида ҳамда Тошкент шаҳар телевидениесида “Соғлом авлод” бу бизнес келажагимиз махсус мунтазам кўрсатувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Уни тайёрлашга юқори маънавияти мутахассислар, шифокорлар, психологлар, ота-оналар, тарбиячилар, ёзувчилар, журналистлар, соғлом авлод муҳофазасига дахлдор барча кишилар жалб этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **П.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 февраль



Сураткаш: А. Қамидов

ЎЗМЎ ҳодимаси Қошиқра
ҲОҲУСОВА.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик, кўмита, компания, концерн, идора ва ташкилотлар, банклар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили ислохотларнинг устувор йўналишлари бўйича белгиланган макроеқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосан бажарилгани, иқтисодий ўсиш

таъминланиб, молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини мустаҳкамлашга эришилганини таъкидлади. Жумладан, мўлжалланган кўрсаткичлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ортди.

Исрол Каримов қайд этганидек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов интизоми мустаҳкамланиб, корхоналарнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Бунинг ёрқин мисоли эса корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари йил давомида 76,8 миллиард сўмдан 1,8 миллиард сўмга қисқарганини келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда, деди Юртбошимиз. Ўтган йили sanoatдаги ўсиш асосан янги ишга туширилган корхоналар эвазига таъминланди.

Йўлбошимиз кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг йирик банкларнинг умумий ҳажми 200 миллион АҚШ доллари дан ортиқ кредит маблағлари жалб этилганидан мамнуният билдирди.

1999 йил - Аёллар йилида юртимизда муҳим ижтимоий дастурлар амалга оширилди. Чунончи, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёндаги иштирокини фаоллаштириш учун зарур шароит яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари жорий этилди, 13 та академик лицей ва 90 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ, аҳолига тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилмоқда, ижтимоий инфраструктура янада ривожлантирилмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, 1999 йилда мўлжалланган барча вазифалар тўлиқ амал-

га оширилди, деб бўлмади. Саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайди, маҳсулот экспорти белгиланган даражага етмади.

Ислон Каримов ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари бўйича маҳаллий хомашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрладиган соҳаларни маҳаллийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилгача мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш таклифини билдирди.

Юртбошимиз хусусийлаштириш жараёнига тўхталиб, кўп ҳолларда мулкчилик шаклининг ўзгариши расмиётчилик учун бўлаётгани, иш тўғри ташкил этилмагани, раҳбарларда янги-ча фикрлаш етишмаслиги оқибатида корхоналар қарзга ботиб қолаётганига эътиборни қаратди. Бундай нохуш ҳолнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида, деди Президент.

Бундай камчиликлар иқтисодиётимизнинг бош тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига ҳам хос. Ўтган йили 898 та хўжалик ширкатларга айлантилган бўлса-да, бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини тўлиқ таъминлашга, меҳнатни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорликни мустаҳкамлашга эришилмади.

Бу масалалар қаторида давлатимиз раҳбари ўз маърузасида капитал қурилиш тизимини ислоҳ қилиш, банкларнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаб, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликка ғов бўлаётган буйруқбозлик ва сансалорликка барҳам бериш, ўзлаштирилаётган чет эл сармоясини кўпайтириш, бозор инфратузилмаси институтларининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тараққиёт йўлидан бормоқчи бўлсак, эртанги куннинг заминини бугун яратишимиз керак, бунинг учун эса аввало иқтисодий эркинлаштириш зарур, деди Президент Ислон Каримов.

Кун тартибидеги масала юзасидан Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, Республика Бош прокурори У.Худойқулов мажлисда ахборот берди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Беҳзод Усмон
(ЎЗА)

Кўнгилдаги гап

Мустақиллик боис ўзбек тадбиркорининг елкасига шамол тегди. Шўролар замонида ўзининг хусусий иши билан шуғулланганларга "пулга тузоқ кўйганлар" дея кун беришмасди. Энди замон ўзгарди; эсплайсанми, истаганингча ишбилармонлик билан шуғулланавер. Бироқ шולי курмаксиз бўлмаганидек, барча мутасаддилар ҳам замон талабини чуқур англаб етишмаган кўрилади. Чунончи, тадбиркорлар, мулк соҳиблари синфини — мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантиришга баъзи маҳаллий ҳокимликлар панжа орасидан қараётгани ачинарли ҳолдир. Шуни таъкидлаш керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида

қатор тўсиқлар учрамоқда. Айтайлик, кўпчилик ёш ишбилармонларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқининг сўнишига солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг айрим нопок, қўли ва кўнгли эгри ходимлари ҳам сабаб бўлмаяптимики?

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз аниқ шулар ҳақида куйиниб гапирдилар. Фақат бу сафар хурматли ҳокимлар, ташкилот ва идоралар раҳбарлари ўз ишига бироз масъулият, инсоф ва диёнат билан ёндошсалар бўлгани.

З.ИНОҒОМОВ,
муҳандис

ЯШАСИН ТАШАББУС!

Мен бўлажак иқтисодчи сифатида яқиндагина Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида сўзлаган нутқини диққат ва қизиқиш билан тингладим. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда туманларда, қишлоқ жойларда қўшма ва кичик корхоналар жуда кам. Ахир шундай корхоналар бунёд этилса қанчадан-қанча йигит ва қизлар

иш билан таъминланиши, кўшимча ишчи ўринлари барпо бўлиши мумкин-ку. Бизда яна бир ёмон иллат борки, у ҳам бўлса юқоридан кўрсатма берилмагунча, ҳеч қайси раҳбар ўз ташаббуси билан чиқмайди. Ахир ёш тадбиркорлар ўз хусусий ишларини бошлаши, банкдан кредит олиш учун сон-саноксиз бюрократларнинг тўсиғига, таъмаюдашномларига учрашларини

жойлардаги ҳокимлар илгари билмасмидилар? Нима учун улар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид муаммолардан кўз юмдилар? Ана шунга ўхшаш масалаларни очиқ-ойдин ҳал этишнинг вақти етмадимикан?

С.НИЁЗОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

БЕТГА АЙТГАННИНГ...


Хорижий сармоядорларнинг республикамизга келиб, ўзлари ҳамкор излаётгани, шу мақсадда махсус бизнес-семинарлар ўтказиётгани кўпчиликка аён. Бундай анжуманлар республикамизнинг турли бурчақларида кўп марталаб ўтказилди.

Аммо баъзи чет элликлар биздаги бефарқлик, тўрачилик, боқибегамлик каби иллатлар тўғрисида бирон-бир натижага эришолмай қайтиб кетмоқда. Хўжа кўрсин учун олиб борилаётган бундай тадбирлар ҳеч кимга керак эмас.

Ўз шахсий манфаатини, эл-юрт, давлат манфаатларидан устун қўювчи бундай раҳбарларнинг эса ўз лавозимларида қолишга маънавий жиҳатдан ҳаққи йўқдир.

А.ЭРҒАШЕВ,
иқтисодчи

Президент стипендиантлари



экан?

— Агротехника қоидаларига амал қилиш, хўжаликни етарли даражада маъдан ўғитлари, техника билан таъминлаш зарур. Хўжаликларда бир гектардан олинмаган қанд лавлаги ҳосилдорлигини умуман лавлагига ҳисобида ҳисоблаш эмас, балки ҳар гектардан олинмаган шакар миқдори билан ҳам ҳисоблашга ўтиш керак.

— Илмий ишни ёқлаш учун шаҳарда яшаш шартми?

— Йўқ. Имконга қараб. Ҳар

ДАЛАГА ОШНО ЙИГИТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилги Давлат стипендияси совриндорлари орасида Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтининг аспиранти Абдураззоқ Хўжабеков ҳам бор.

Абдураззоқ ака ҳикоясидан:
— Мен 1969 йил Жиззах вилояти, Зомин туманининг Ўрол қишлоғида туғилганман.

Болалигим Арнасойда ўтган. Қишлоқда далаларга чиқиб, қирларда мол боқардик. Ўшанда ҳам бир кўлимизда таёк, бирида китоб бўларди. Ўқувчилик давримизда мактабнинг 30 гектарли боғида ишлардик. Ҳар йилги даромадимиздан мактаб учун ўқув қуроллари сотиб олардик...

Олийгоҳни тугатгач, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ислохотлар бошқармасида иқтисодчи бўлиб ишладим. Қишлоқ хўжалигидаги баъзи муаммоларнинг ечимсиз қолаётгани мени шу соҳага ундади. Қишлоқда ўсганим учун деҳқончилик соҳаси бегона эмас.

— Илмий ишингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Номзодлик диссертациянинг мавзуси "Ўзбекистон Республикасида қанд лавлаги етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари". Маълумки, Ўзбекистонда қанд лавлаги етиштириш учун қулай табиий-иқлим шароит мавжуд. Уни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида суғориладиган ва унумдор ерларда етиштирсак бўлади. Шу билан бирга қанд лавлагига ернинг маълум даражада шўрлигига ҳам чидамлидир. Аҳолининг кунлик эҳтиёжи бўлган шакар маҳсулотини ўзимизда етиштириш имконияти етарли. Уни олиб келиш учун транспортга сарфланадиган валютани тежаш имконини беради. Қанд лавлагини қайта ишлашда нафақат шакар маҳсулоти, шу билан бирга иккиламчи маҳсулотлар ҳам олинади. Масалан, спирт, хамиртуруш, чорва учун озуқа сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

— Ҳосилдорликни кўтариш учун нима қилиш керак

ЗИЁДА,
"Туркистон" муҳбири

ТАЖРИБА ОРТТИРИШ УЧУН

Бокс бўйича терма жамоамиз вакиллари 18-20 февраль кунлари Россиянинг Тюмень шаҳрида талабалараро ўтказилажак халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетишди.

— Мазкур халқаро мусобақага қўллан бўён танаффусда бўлган етук спортчиларимизни юбораётимиз, - деди республикада хизмат кўрсатган мураббий Юрий Черник "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Ушбу нуфузли беллашувлардан қўзланган мақсад — октябрь ойида Сиднейга йўл оладиган Д.Йўлдошев, М.Абдуллаев, Р. Чагаев, С.Михайлов, Р.Саидов каби боксчиларимизнинг Олимпиада баҳслари олдидан тайёрларлик даражасини мустаҳкамлаш ҳамда тажрибасини ўстиришдан иборат.

"Туркистон-пресс"

Чимилдик

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 16 февраль № 7 (64)

Бўёқдан хотиржам бўл, ҳаммасига ўзим жавоб бераман. Сен фақат... ўзини кўлга ол. Англа сирали билдира кўрма. Мен билан батаслаҳат иш тутиб. Атомикка зўрға етиб бордим. Дам рўйин бир аҳволда, бунинг вужудим зирқираб оғрийди, кўнглим хуфтон эди. Англа англа ўзига келган, гоё илб ўтиришган экан. — Сенга нима бўлади? — завоитлашиб сўради аёл ақвойуллик қилиб. — Ўзим шундай... — дедим. — Мен... бир нарс дан олмасан бўлмайди. Долик дарров гапни Сен билан қилаш билан обора, тўғибор берманман. Махмина ялли дугоналар ахлига нима биларай ишарти? — сўради у ваки бақараси бўлиб. — Мен секин секин...

"Чимилдик"нинг 63-сонида эълон қилинган "Қариндошга келин бўлмайман" сарлавҳали мактубни ўқиб, синглимга маслаҳат бермоқчиман. Зора,

Кўнгли ҳам баъзида алаёйди

Дилдор ўз қариндошларини тушунишга ҳаракат қилса. "Қиз бола палахмон тоши" тақдир битигидан ҳеч қочиб қутулолмас экан.


Биламан синглим, ҳозир сизнинг олдингизда ўқиш, ундан кейинги орзу-умидларингиз бор. Балки севган йигитингиз ҳам бордир. Аммо ҳеч ёдингиздан чиқарманг-ки, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, жигар барибир, жигар. Мен ҳам турмушга чиқмасдан олдин ота-онам олдида

ўсган пок-покиза, яккаю-ягона қиз эдим. Худди сиз айтгандек, бир холам ўғлига сўраб келди. Мен уни ёқтирмас эдим. Холавачамнинг ўзи менга ҳеч гапиролмай, аммо совчиларни қистайверди. Қайсарлигим тутиб, ўз сўзимда туриб олдим. Шу орада дадам-

нинг ўртоқларини ўғлидан совчи келди. Мен розилик бердим. Йигитни кўрмадим ҳам, суриштирмадим ҳам. Балки, тақдир дегани шудир.

Йиллар ўтди. Холавачам ҳам, мен ҳам оилали бўлдик. Аммо хато қилгандим. Бахт деганим сароб бўлиб қикди. Мен холавачамнинг ҳаёти билан ўз ҳаётимни таққослаганимда, унинг бахтли эканини сезаман. Шунинг учун синглим, опалик маслаҳатим, ўйламай иш қилманг.

НАЗИРА



Мен ўша ўтиб кетган илк муҳаббатимни унутолмай гирёнман. Ҳовлимиз эшиги тагидан кетолмай юрган Аброрни ўйласам, нақадар туйғуларимиз пок ва самимий бўлган и г а

бўлакча... У ақлли, зийрак... мени севарди. Иккимизнинг ишқимиздан бутун қишлоқ бохабар эди десам хато бўлмас. Ахир пок муҳаб-

Ҳазин достон

ишонч ҳосил қиламан. У ота-онамдан кўркмади, хайқмади. Юборган совчилари рад жавоб олиб қайтавергач, ўзи келадиган бўлди. Отам "оддий оила" деб мени узатгиси келмади. Онам касалмандлар хонадони билан қариндошчилик қилмайман, деди.

бат ва тоза туйғуларни яшириб нима қилардик. Ота-онам норози бўлса-да, Аброр мени кўриш истагида қатнайверди. Дадамдан мушт еди ҳам. Орадан оз ўтмай у ҳарбий хизматга кетди. Мен нима қилардим, кўлимдан нима келарди?!

Отамнинг райига қараб, у хоҳлаган йигитга турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғимдан нолимайман. Аммо баъзан уйимга борганимда Аброрни кўриб, кўзига қарай олмайман.

САЙЁРА, ОҚТОШ



Ёмоннинг кучи

Уйимизга совчилар келишибди. Куёв бўлмиш ҳам Тошкентда эндигина ўқишини тамомлаган экан. Уйимиздагиларга жуда маъқул келибди. Хуллас икки томон тил бириктириб, тўй қилишмоқчи бўлишган. Бўлғуси куёв билан онаси мени кўриш учун Тошкентга келишган. Бироқ мени топишолмаган.

Бу гаплардан асло хабарим йўқ. Ҳамма имтиҳонларни топшириб, отам билан онамни хурсанд қиламан деган умид билан қишлоққа бордим. Бордим-у, севинчларимдан асар ҳам қолмади. У ердаги ўзим ҳақимдаги гап-сўзларни эшитиб, эсхонам чиқиб кетди.

Тошкентга мени излаб келган совчилар ишхонамдаги бир аёл билан учрашган. Аёл улардан мен нима учун керак бўлганимни сўраган. Совчилар ҳаммасини батафсил тушунтиргач, ҳалиги аёл: "У қиз яхши эмас, сизнинг шўрингизни қурилади. Мен уни яхши биламан, йўқ барибир келин қиламан, десангиз қилаверинг-у, лекин у ёмон йўлларга кириб кетган", деб айтибди. Қишлоқда гийбат қанчалик тез машҳур бўлиб кетишини сизга гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу гап-

сўзлар менга туфлимни чангидек бўлиб туюлди. Аммо касалманд ота-онамни бир бемаъни, гапиришга ҳам арзимайдиган майда гап одамлар туфайли баттар оғриб қолишига чидай олмадим. Ўзингизга қанчалик тўғри бўлманг, барибир гап-сўз инсонни кўпчилик ўртасида бошини эгар экан. Ҳозир қишлоққа боришга оёғим тортмайди. "Ёмонга даво йўқ" деб шунга айтишадими-да, бўлмаса мен кимга нима ёмонлик қилган эдимки, у менинг ҳақимда билиб билмай шунчалик гапиришгача борди. Ўйлайманки, Аллоҳ кўргувчи, эшитгувчи, билгувчидир. У ҳеч кимнинг дилини вайрон қилиб кетишга йўл қўймайди. Бу қилмишлари учун ўша аёл ҳам жазосиз қолмас.



Нодира КҮЛДОШЕВА

қутишини билмасди албатта, лекин бегора интелектуалнинг оқнаф рақли ни: — Мама шу адресга боринлар. Нисор тола деган бир яхшудий қалнир имиланги кўнги олий ишқини тикатиб бери. Қалнир ишқини кўнги олиб, лаган о...

Кадрли "Чимилдик" ижодкорлари! Мен институтга ўқишга кирганимда Марғуба 5-курсда ўқирди.

МУҲАББАТ ЁШ ТАНАМАС?

Ўқиш, имтиҳон ва синовларда менга ёрдамлашар, керак бўлган адабиётларни дарров топиб берарди. Кун сайин муносабатимиз қалинлашиб борарди. Хуллас гапнинг нақдини айтганда, мен уни севиб қолдим.

Ўзимдан тўрт ёш катта қизга кўнгли кўйдим. Бир қарашда Марғуба менга хайрихоҳдек, лекин ҳис-туйғуларимдан тўла хабарсиз бўлса керак. Уйда онамга секингина гап очган-

КОМИЛ, Тошкент шаҳри

Бу хатни ёзишимдан олдин жуда кўп ўйладим. Дугоналарим билан маслаҳатлашиб, охири шу қарорга келдим. Сизлардан илтимос шу хатимни газетангизда чоп этсангиз. Зора у ҳам ўқиса.

Мен Самарқанд Кооператив институтини 1-босқич талабасиман. Шу институтда ўқийдиган бир йигитни севаман. Ишқ дар-

ди мени ҳеч ҳам тинч қўймайди. У билан илк бора янги бўлиб қоламан. У ҳам 1-босқич талабаси. Лекин бошқа

Севсаяму яўтоямаям


йил базмида учрашдик. У шу базмни олиб борувчиси эди. Ўша кунги кулгига бой гўзал чехрасини эсласам ҳозир ҳам жинни

факультетда ўқийди. Мен уни ҳаммадан рашк қиламан. Севгимни сир тутишга мажбурман, чунки қиз боламан. Бу хатни сессия олтидан ёздим. Имтиҳонлардан ўта олишим ҳам даргумон. Чунки хаёлимда фақат у. Ҳозир эшитишимча, у ҳеч кимни севмас экан. Лекин менинг севгим албатта голиб чиқшини истайман. Шунинг учун сизлардан илтимос, ушбу мактубимни тўлиқ берсангизлар.

ГУЛЯ



найдга зийрат ҳам, мизган энг бахтий олдани ники о. Алани яшайти. — Ра ран-ро Қизинг "Қизинг нини м қишдан келмасди. Булар иш бўлди, деб юраверин билан иш битлади. Бир кунга бориб, ақвоилин бақтиллашиб қолайганини сездим. Ўша кунги қрнингдан анга



Актриса Муқаддас ХОЛИҚОВА:

"ЗАГС" ГА ТЕАТРДАН БОРГАНМАН

— Севгига қандай қарайсиз?

— Мен яхши қарайман. Севги инсонни руҳлантиради. Ҳаётга ҳавас орттиради.

— Ижодкорнинг севгиси бошқаларникидан нимаси билан фарқ қилади?

— Ижодкор - романтик бўлади. Оддий куйни йиғлаб тинглаши мумкин. Бошқаларга таъсир ҳам ўтказмайди. Санъаткор ҳамма соҳада идеал ахтаради. Масалан, сахнада севишганлар ролини ўйнаб туриб, асар қахрамонини ростакмига севиб қолишингиз мумкин.

— Турмуш қураётганингизда йигитнинг нимасига эътибор қаратгансиз?

— Дангаллигига. Ўша куни Ҳамза театрида "Олтин девор" спектакли қўйилаётган эди. Менга кичкина хат олиб кириб беришди. Ўқиб кўрдим. "Спектаклдан кейин сизни кутаман" деб ёзилган. Хайрон қолдим. Шу бола билан учрашаман, аммо у санъатни тушунармикан дедим. Агар шунақа бўлганида "театрдан кейин кутаман" деб ёзган бўларди. Хуллас, ўша куни Адҳам ака билан учрашганмиз.

Тўйимиз ҳам галати бўлган. 1990 йил 8 январь куни ЗАГСдан ўтишимиз керак. Менинг эса болалар учун томошам бор. Дублёрсиз ишлардим. Куёвжўралар мени

Паризод ролини ўйнаб бўлгунимча кутиб туришган. Келинлик либоси билан театрдан ЗАГСга кетган биринчи қиз мен бўлганман.

— Олдинлари ҳам сизга шунақа таклифлар бўлганми?

— Бўлган, фақат 18 ёшимдан сўнг. Чунки мактаб пайтида ҳамма болалар мендан кўрқарди. Урушқоқ эдим.

— Сахнада ҳар хил ҳолатлар бўлади; масалан, сиз бировнинг хотини бўлиб чиқасиз. Бунга эрингизнинг муносабатлари?

— Мен ўзимни ўзимдай тушунадиган жуфти ҳалол топганман, десам янглишмайман. Буни иккинчи қизим Зебунисо сариқ бўлиб жонлантериш хонасида ётганимда яна бир бор англадим. Телевидениедагилар уйга телефон қилиб, мени "запис"га чақирди. Шунда бошқа одам бўлса "қанақа запись, боласи бу ерда ўлай деб турибди-ю", дерди. Йўқ, мени телестудияга жўнатиб, ўзлари боланинг тепасида ўтирганлар. Соҳалари медик, лекин санъатни қадрлайдилар.

— Кўпинча санъаткор аёллар ҳақида миш-мишлар юради...

— Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ, яъни аёлга. Эркак киши — бола. Асосий куч бизда. Баъзан йигитлар керилиб юради: "Мен зўр хо-

тин танладим", деб. Агар аёл мойиллик билдирмаса қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Ҳозир ёшларимиз эр қадрни, турмуш қадрини тушунмаяпти. Ҳаётни энг сўнги модадаги келин кўйлак кийиб, қатори узилмаган машинада ЗАГСга бориш, дабдабали тўй билан ўтади дейишади. Аслида эса бошқача.

— Ўзингиз хатога йўл қўймаслик учун қандай умр бошлардингиз?

— Ҳозиргидай. Санъаткор бўлиш пешонамдаги нарса. 30 ёшимда турмуш қурганман. Унга тайёр эдим, демайман. Лекин яхши-ёмонни ажрата олардим. Кейин тарбияда ҳам кўп гап бор. Ҳозир қизларимизни қанақа тарбияляпмиз: "сочингни қирқма, палон нарса кийма, эрга текканингдан кейин ихтиёр ўзингда". Мана шунақа хом хаёллар билан турмушга узатилган қизнинг кейинги кунини ҳисоб-китоб қилаверинг.

— Баъзида одам муҳаббат учун ҳамма нарсадан воз кечиши мумкинми?

— Бу ўткинчи муҳаббатдир. Ўзининг бошимдан ўтган. Театрни, институтни, ҳамма нарсани унутганман. Лекин устозимги-

на мени бу йўлдан адашишимдан қайтарган. Ҳаммада ҳар хилдир, лекин мен чидашга қодирман.

— Муқаддас Холиқова қандай йигитларни ёқтирган?

— Хушчақчақ, тўғрисуз, ўрта бўйли. Чирой мен учун иккинчи даражали нарса. Севги ҳамма вақт бирга яшаш эмас. Гап қадрда, севган инсон севганидан бир нарса талаб қилмайди. Доим тинчлигини, ким билан бўлсада бахтли яшашини истайди.

— Кимларнинг муҳаббатига ҳавас қиласиз?

— Атрофимдагилар сезармикан... — Рашк бобида аёллар устун туради дейишади?

— Ҳеч қачон аёл рашкни ўзига ўртоқ қилмаслиги керак. Ҳаётда ҳар хил ҳолатлар бўлади. Баъзан эрингизнинг кийимида бегона аёлнинг лаб бўёғининг изини кўрасиз. Ювиб, индамайсиз. Сиздан сир тутдими, демек эрингиз олдида ҳали ҳурматингиз бор. Индамай унга кутганидан ортиқ зарба беришингиз мумкин.

ЛАЙЛО суҳбатлашди



Буюклар муҳаббати

Дунёда дардларнинг сони беҳисобдир. Уларнинг баъзиларини умримиз давомида эшитмай ҳам ўтиб

узук термултара оларди. Унинг нафақат ташқи дунёси, ички маданияти ҳам лол қоларли даражада гўзал эди.

эди. Олим Хўжаевнинг акаси уларнинг турмуш қуришига розилик бермайди, укасини Бухорога олиб кетади. "Макр ва муҳаббат"да Фердинант ролини ижро этаётганда Луиза исми ўрнига Шоҳида дея

бат ҳаётдан устунлик қилди, Шоҳидахоним соғинганини изхор этиб, мактуб йўллайди:

тага эрта билан мени аэропортга олиб чиқ, деди. Олим Хўжаев билан бирга аэропортга чиқдик. У киши Москвага кетмоқчи эди. Бирдан "Зикир, шу Москвага кетишдан олдин юрагимда бир ҳис пайдо бўлди. Шу боис олдин Бухорога бориб, сўнг Москвага учсам" дедилар. Бир нарса дея олмай кузатиб қўйдим. У киши Бухорода қариндош-уруғлари, ёрудўстлари билан дийдорлашган, хайрлашган ва охири Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратларини зиёрат қилиб, сўнг Москвага учган. У ерда ўша вақтдаги театримизнинг директор ўринбосари Ҳаким Одиловни меҳмонхонада қолдириб, маданият вазиригига бориб, бир қанча масалаларни ҳал этган. Сўнг меҳмонхонага хурсанд бўлиб кириб келгану, пальтосини ечиб, илгичга илаётганида ушланг, мени, деганича, йиқилган. Докторлар етиб келгунча Олим Хўжаев дунёдан кўз юмган.

Шоҳида Маҳзумова бу мудхиш хабардан воқиф бўлиб, дарҳол Москвага отланади. Эрининг жонсиз жасади билан уйга қайтади.

Вафодор аёл Шоҳида Маҳзумова Олим Хўжаевдан сўнг яқин йигирма йил ҳаёт кечирди. Аммо, бирор марта эғнидан қора либосини ечмади, қимматбаҳо тақинчоқларини тақмай, вафодорлигича ҳаётдан кўз юмди...

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ

ОЛИМ ХЎЖАЕВНИНГ ШОҲИДАСИ

кетамиз. Аммо бир дард бор. У бизга туғилганимиздан шерик бўлади. Бу муҳаббат савдоси.

Ўзбек санъатининг табаррук сиймоси, гоҳ Гамлет, гоҳ Навоий образларида театр сахналарини гуллатган, халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган Олим Хўжаев учун ҳам Оллоҳнинг бу буюк неъматини инъом этилганди.

Шоҳидахоним табиат яратган энг соҳибжамол аёллардан бири эди. Айтишларича, унинг онаси жуда хурилиқо бўлгани боис, бойвачча йигитлар орасида унга хушторлар кўп бўлган. Кунлик жанжаллар жонига теккан отаси уни шайхга назр қилади.

Олим Хўжаев ҳам ўз замонасининг машҳурларидан бири, бухоролик савдогарнинг ўғли эди. Келишган, салобатли қомати билан ҳар қандай одамни ўзига



Шундай қилиб санъатнинг йўлини туйган Олим Хўжаев ва Шоҳида Маҳзумовалар бир-бирларига кўнгул қўядилар. Аммо бунга хайрихоҳлардан кўра, қаршилар кўпроқ

нидо қилган йигитнинг ҳолаҳволини тушунмаслик мумкин эмас эди.

Ўз жаннати фирдавсидан жудо этилган булбулнинг хо-ниши юракни эзарди. Муҳаб-



етакчи ўрин тутати.

Бизнинг худудимизда кўпроқ учрайдиган ҳолат вагинизм деб аталади. Ўз тажрибамиздан мисол: 27 ёшли С.турмуш қурганига 5 ой бўлса-да, ҳанузгача эри билан қовуша олмаган. Текширишлар эрининг соғлом эканлигини тасдиқлади. Маълум бўлишича, онаси ёшлиқдан

мизда турган асосий вазифа болаларга азалий ҳамда янги таомил ва одатларни ўргатиш, кишиларга нисбатан муносабатни оқилона изга солишдан иборат. Ана шу мақсадга эришишнинг энг яхши усули ота-онанинг ўз ишлари, ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари билан болаларга ўрнак кўрсати-

лоғатга етишига асосан, қуйидагилар сабаб бўлади:

Биринчидан, икки ёшдан ошган болалар кўрганларини эслаб қолиши мумкинлигини баъзи ота-оналар тушунмайдилар.

Иккинчидан, бола туғилганданоқ жинсий аъзоларини тоза тутишга эътибор бериш лозим.

логияси ҳамда акселерация ҳодисаси билан таништириши лозим.

4. Жинсий тарбия ҳам нормал мусоҳабаларга таянади, "болаларнинг юз-кўзини очиш" бобида эса соғлом жинсий ҳаётга таянади.

5. Тарбиянинг гоёт муҳим воситаси намуна кўрсатиш ва

ФАРЗАНДЛАРИНИ "ЮЗ-КЎЗИ" У ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

"Чимилдик"нинг сўнгги сонларида болалар жинсий тарбияси хусусида чоп этилган баъзи мақолаларни ўқиб, бу борадаги кўп йиллик кузатишларим асосидаги айрим фикрларимни баён этишни лозим кўрдим.

Жинсий тарбия умумхалқий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси ёш авлодда зурриёт қолдириш вазифасини бекаму-кўст қилиб шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Шартли равишда, балоғат ёшига етмаганлар ҳамда расида (уйғониш палласида) бўлганлар жинсий тарбиясини тафовут қилиш лозим. Ҳозирги кунда болаларимиз акселерация (лотинча — тезланиш, эрта расида бўлиш)-

қизини эркалаб, эркаларни ўта даҳшатли этиб тасвирлаш каби усуллар билан ифратли-ҳаёли этиб тарбиялашга ҳаракат қилган. Натижада, у ёшлиқдан эркаларга нисбатан доимий нафрат ҳиссини туйган, турмушга чиқишга ҳам қариндошларининг қистови сабаб бўлиб, ўзида мутлақо хоҳиш бўлмаган. Бемор текширилиб, унга: "Вагинизмнинг 11-босқичи" ташҳиси қўйилди. Ўтказилган даволаш натижасида у тузалиб, ёш оиладаги муносабатлар изга тушди.

Биз ғайритабиий-патологик ҳолат ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Бундай ҳолат ҳақида тўхталишимиздан мақсад кўнгилларга гўлгула солиш эмас, балки биз, шифокор-

шидир. Афсуски, аксарият ота-оналаримизда бола тарбияси учун вақт ҳам, билим ҳам етишмайди.

Жинсий тарбия — умумхалқий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, у баъзилар ўйлагандек, балоғат ёшига етган даврдан эмас, бильякс боланинг

Жинсий гигиенага риоя қилмаслик ташқи жинсий аъзоларнинг булғанишига олиб келади. Унга юқумли манбанинг тушиши касалликни, ярани келтириб чиқариши мумкин.

Учинчидан, боланинг жундан тўқилган ҳар хил дағал, баданни қичитадиган кийим-кечаклар кийиши, тос атрофи ва чот ораси кийимларининг тор бўлиши, боланинг тувақда узоқ ўтириши каби ҳолатлар ҳам жинсий аъзоларда қон димланишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, аксари ота-оналар болаларини эркалашиб қитиқлашади, орқасига шап-патилаб уришади ёки ўз фарзандларини меъёридан ортиқ бағрига босиб, ўпиб эркалашади.

Бешинчидан, боланинг уйку олдидан қакао, шоколад каби зўриқтирувчи овқатларни кўп истеъмол қилиши, ҳатто кичкинтойларнинг велосипедда узоқ юриши, ўйинчоқ отларни кўп миниши ҳам шундай сезгиларнинг уйғонишига сабаб бўлади. Аммо, бу кичкинтойларга ушбу ўйинларни таъқиқлаб қўйиш керак деган гап эмас, албатта. Жинсий сезгининг эрта уйғонишининг давоси фақат мана шуларда эмас, балки болаларнинг у ўйинчоқлардан қисқа муддатли фойдаланишларидадир. Шунинг учун болада бир ўйинчоқдан иккинчисига қизиқиш уйғотиб ўз вақтида уларни алмаштири билиш керак.

Машҳур немис олимлари Р.Нойберт ва Р.Вайзе жинсий тарбияни қуйидаги етти шарт асосида олиб бориш лозимлигини таъкидлашган:

1. Жинсий педагогика умумтарбиянинг бир қисмидир.

2. Унинг мақсади жинсий ҳиссиётга ортиқча берилмай, шунингдек, узлатга ҳам чекинмай, бахтли ҳаёт кўришни кишиларга ўргатишдир. Шунинг учун турли жинс вакилларининг бири-бири билан тўғри муносабатда бўлишини таъминлаш лозим.

3. Бу масала билан асосан тарбиячилар шуғулланиши керак, аммо тарбия ишида шифокорнинг ёрдами зарур бўлиб қолса, у ҳам иштирок этиши мумкин. Шифокор педагоглари болалар ва ўсмирлар био-

яхши одатларга ўргатишдир. Шунинг учун ҳам катта ёшдаги кишиларнинг бошқа жинс вакиллари билан ўзаро тўғри муносабат ўрнатишлари жуда



га мувофиқ ҳолда эрта жинсий балоғатга етмоқдалар. У қизларда 9 ёшдан, ўғил болаларда эса 11 ёшдан бошланиб, жинсий тарбия олиб боришда қийинчиликлар тугдирмоқда. Жинсий тарбиянинг биринчи босқичи болаларни эрта балоғатга етишига олиб келадиган сабаблар таъсиридан сақлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Жинсий тарбиянинг иккинчи босқичи боланинг балоғатга етган даврдан бошланиб, бу давр йигитларга қараганда қизларда 2-3 йил олдин бошланади. Жинсий балоғат — тегишли аъзоларнинг биологик етуқлиги, кўпайиш ҳамда насл қолдиришга қодир эканлигидан далолат берадиган, ўзгаришлар пайдо бўладиган даврдир. Шу даврдан бошлаб боланинг жинсий тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозим.

Юқорида жинсий тарбиянинг зарурийлиги ҳақида фикр юритдик. Энди жинсий майлга боғлиқ бўлган баъзи ғайритабиий ҳолатлар ҳақида тўхталмоқчиман. Зеро, бу ҳолатлар вужудга келишида баъзи сабаблар қаторида, нотўғри жинсий тарбия ҳам

ларнинг "касалликни даволашдан кўра олдини олиш осон" деган қоидага мувофиқ ҳолда иш юритиш ва тарбиявий ишларда шифокорларнинг ҳам муҳим роли борлигини таъкидлашдан иборатдир.

Сўнгги йилларда Олмонияда "Халқ педагогик ҳаракати" юзга келган эди. Уларнинг мақсади ёшларни мустақил фикр юритиб, онгли равишда иш тутадиган, ўзини батамом халқ хизматига бағишлашга қодир кишилар қилиб етиштириш эди. Бу ҳаракат таркибан ота-оналар, тарбиячилар ҳамда ўқитувчилар, шунингдек шифокорлар, диндорлар мустақам иттифоқидан иборат бўлган. Уларнинг барчаси ёшлар умумтарбиясининг маълум бир қисми билан астойдил шуғулланишни ўз зиммасига олган. Мисол учун, тарбия билан асосан ўқитувчилар ҳамда тарбиячилар шуғуллансалар-да, умумтарбиянинг бир қисми бўлган жинсий тарбиянинг бекаму-кўст бўлиши учун шифокорлар ҳам ўз меҳнатини сингдиришган. Олмониядаги бу ҳаракат жадаллик билан катта муваффақиятларга эришди.

Бугунги кунда бизнинг олди-

жуда ҳам ёшлигидан бошланиши керак. Америка олими А.Кинзининг кузатишича, жинсий ҳис-туйғуларни илк бора сезиш қизларда 4 ойликдан, ўғил болаларда эса 5 ойликдан бошланиб,



худ-ди катталар организмидаги физиологик ўзгаришларга ўхшаб кетар экан.

Болаларнинг эрта жинсий ба-

"Чимилдик"га келган хатлардан:

"Пешонамга Аллоҳ битган яққаю ёлғиз ўғлимни отасиз кипригимда ардоқлаб ўстирялман. Аммо мени бир нарсга ташвишга соляпти. У ўн ёшдан ўтди. Танишларим болангизга жинсий тарбия бериш вақти етди, дейишди. Нима қилишга ҳайронман. Уни "нозик" нарсалардан воқиф этишга ҳали эрта эмасмикан.

**Н.ХҲЖАЕВА,
Нуробод"**

"Қизим мактабдан гап топиб келди. Келаси ҳафта уларнинг синфидаги қизлар учун "махсус" дарс ўтилар эмиш. Болаларимизни мактаб ёшиданоқ "юз-кўзини" очиш яхшимикан?"

**Н.Г.
Чилонзор"**



Турмуш — мушт. Унинг зарбаларига дош бера оладиган оилагина рўшнолик кўриб,

кўриб, кўзим пишиб кетган. Опамнинг қайнэгачиси кунда келиб, унинг хизматидан камчилик топар эди. Қайинсинглиси эса, опамнинг кўнгилчанглигидан фойдаланиб бор юмушларини унинг зиммасига ташлаб қўйган. Опам бошқача сабрли, мен қизиққонман. Мен тенги қиз оёғини узатиб ётиб олса-ю, мен унинг ҳам хизматини қилсам... Йўқ, бу менга тўғри келмайди. Ниятимга етиб, ёлғиз ўғилга турмушга чиқдим.

Кашқадарё вилояти, 30 ёш:

— Оилада жанжал чиқишига кўпинча қайинсинглим сабаб бўлади. У қайнонамни "бураб" қўяди-да. Келин бўлиб тушганимда бизнинг хонамизга бемалол кириб келарди. Янги келинман, уялиб индамас эдим. Йиллар ўтгани сайин, мендан бесўроқ кийимларимни кийиб кетишни, бесўроқ нарсаларимдан фойдаланишни

КАЙНСИНГИЛИ-КЕЛИН-КАЙНЭГАЧИ

Бахтли турмуш куриши мумкин. Эътибор бериб келадиган бўлсангиз, биз "Чимилдик" саҳифаларида қайнона, қайнота, бўлғуси келин ва куёвлар билан суҳбатлар ўтказдик. Ўзбекона турмуш тарзининг асосини ташкил қилувчи "қайнонали оилалар" нинг бўлғуси ҳаёти кўп жиҳатдан қайин-бўйинларга ҳам боғлиқ албатта. Айниқса қайнэгачи ва қайинсинглига. Бугунги суҳбатдошларимиз ана шу ҳақида фикр юритади.
Гулсал ОМОНОВА, хумсонлик 23 яшар келинчак:
— Очиғи, қайинсинглиси бор ердан совчи келса, йўқ, деб оёғимни тираб туриб олардим. Чунки катта опамнинг ҳаётида "қайинсингил ва қайнэгачи"нинг ўрнини

Умида С. Тошкент, 28 ёш:
— Ҳаммани бирдай кўриб бўлмайди. Қайнэгачининг гапида ҳам жон бўлиши мумкин. Мана масалан, қайнэгачим менга турли юмушларни ўргатганида, тўғри қабул қилдим. Аммо лекин менинг шахсий ҳаётимга аралашиларига йўл қўймайман.
"Мана, бир йил бўлди, укамни уйлантирдик. Бугун менинг ўзим ҳам қайнэгачиман. Бошимдан ўтган савдоларни эслаб, келинимнинг дилига озор бермасликка ҳаракат қиламан. Онамни ҳам келинимизнинг кўнглига қарашга қақираман. "Сиз келинингизнинг дилини бесабаб оғритсангиз, бизнинг ҳам қайин-бўйинларимиз бесабаб ҳафа қилишлари мумкин" дея уқтираман.
Шахзода АБДУЛЛАЕВА,

одат қилди. Майли дедим, индамадим. Аммо орқамдан гап чиқариб, майдачуйда жанжалларга сабаб бўлганидан сўнг, мен ҳам қарши "хужумга" ўтдим. Қачонгача чидаш мумкин?
Нигора, 25 ёш:
— Қайнэгачи ва қайинсингиллар билан келиша олмайдиган одам айбни энг аввало ўзидан излаши керак. Ўшалар сени севиб бир ёстикқа бош қўйган эрингнинг опаси ва синглиси. Улар бир қориндан талашиб тушган. Баъзан акасига қилган эркалигини сенга ҳам қилгиси келади. Хўш, бу билан нима қилибди? Осмон узилиб ерга тушадими? Менимча, ҳамма вазиятда ҳам келин бир қадам орқада юриши керак. Ҳаётнинг қонуни шундай. Биринчи бўламан деган келинлар узоққа боролмайди.

"БАХТЛИ ОИЛА"

Оила тинч-тотувлиги кўпинча ота-онанинг масъулиятига боғлиқ дейишади. Шундаймикан?
Ўспирингина мустаостонасига қўяётган келар ёки бахти қандай қилишади? саволлари мазмунли йўллаган танлови-голиблари бўлиши мумкин!



лар, эндиқил ҳаётқа дамлин-куёвтли оилатасаввур Куйидаги мизга энг жавоб мухлислар мизнинг

1. Сиз ота-она бўлганингизда фарзандларингизни қандай тарбия қилган бўлардингиз?
2. Болаларингиз сиздан ҳар жиҳатдан фарқланиши шартми?
3. Ўз зурриёдингиз ўзингизга бўйсунмади, унда...
Жавобларингизни "Бахтли оила" танловида деб йўлланг.



Тазена саҳифаманай-ганга Мошкелнига орқиб кўйилган қор ёғди

Мурисам онажоним ОЙБАПАНД она!
Мушман кўнглингиз тўборак. Сизга Аллоҳдан узоқ-ўнр, турмушингиз фаровон бўлишини сўрайман.

Меҳнатдан беллари букилган, Сочлари қордайин оқарган. Садафдай, дурдайин энг сара, Тишлари тўкилган оҳорган. Хув, олис қишлоқда зор кутган, Онамни соғиндим, онамни .

Ёшига ярашмас ажинлар, Кўзидан нурлари тўкилган. Мен учун ўқилса таҳсинлар, Барчаси онамга ўқилган.

Ташвишдан букилган беллари, Бешиқдан меҳрлар қадалган. Ганжина, қалбимнинг гуллари, Онажон сен учун аталган.

Фахриддин ҲАЙИТОВ, ЎЗМУ талабаси

ВАҲИМАНИ ЕНТА ОЛАСИЗМИ?

Куйидаги тест саволларига бериладиган жавобга кўра ваҳима ва кўркувлар олдида ўзингизни қандай тута олишингизни билишингиз мумкин. Агар "ҳа" деган жавоб берсангиз "2" балл, "йўқ" учун "0" балл белгиласиз.

1. Сизга қизил ранг ёқадими?
2. Сиз уйингизни доимо саранжом-сарош сақлайсизми?
3. Қайфиятингиз атрофингиздаги одамлар қайфиятига қараб ўзгариб турадими?
4. Сиз таваккал иш тутишни ёқтирасизми?

5. Жуда қизиққонмисиз?
6. Ҳамма нарга олаверасизми?
7. Кўпчилик туришни хоҳлайсизми?
8. Баъзан анча вақтгача сизми?
9. Қорнинг оғриб турадими?
10. Жаҳлингиз тез ва асабингиз чатоқми?



Натижалар:

0-6 балл жамғардингиз. Сиз анча-мунчага ваҳима қилавермайсиз. Кўнглингиз нотинч бўлса ҳам ўзингизни қўлга ола биласиз.
8-12 балл. Табиатан ваҳимачи одамсиз. Кўркув ва ташвишларга қарши боришга ўрганинг. Ваҳимачи бўлманг.
14-20 балл. Эҳтиёт бўлинг, сиз арзимас нарсалардан ҳам таҳликага тушаверасиз. Ўзингизни қўлга олинг, юракни кенг қилиб, ҳар қандай шароитда ҳам ваҳималардан устун бўлинг.

"ЧИМИЛДИК" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА, ШАХНОЗА
САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

Отажоним Исмаилов АБДУСАМАТОВ!
Сизни 18 февраль таваккал топган кўнглингиз билан тўборак-бод эитман. Оиланинг бахтига доимо соғ-саломат бўлинг.
Ўғлингиз МУҲИДДИН, Жиззах вилояти

СОЛДАТНИНГ КИМЛИГИ ТОПИЛДИ

Ассалому алайкум "Туркистон" таҳририяти! Мен Самарқанд кооператив институти талабасиман. Газетанинг 2000 йил 12 январ сонидаги "Сартарош солдат" топишмоғига жавоб йўллаяпман. Жавобим куйидагича:
Солдатга фақат ўз соқолини ололмайдиган аскарларнинг соқолини олиш буюрилган. Бу солдат эса ўз соқолини ололмайдиганлар гуруҳига кирмайди. Шу сабабли унинг ўзига гал келганида боши қотиб қолган.
Фарҳод КЕНЖАЕВ

Мухолиф фикр ва ғояларни амалга оширмақ ниятидаги сиёсий ҳаракат нимаю, ўзларини мухолифлар деб номла-сада, асл нияти ҳаққини унчун кураш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан иборат гуруҳлар ким эканини ҳар ким ҳам яхши тушуниб олганича йўқ. Оқибат, ҳозиргача ҳам баъзи фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида иккиланишлар, ҳатто мухолифат томонга оғиб кетиш каби ачинарли ҳоллар ку-затишмоқда.

Ҳўш, мухолифат ким ўзи?

Мусоҳабаларнинг бирида "Эрк" демократик партияси-нинг етакчиси М.Солиҳ шундай деганди: "Мен, ўзбек мухоли-фати яқсон қилинди, деган фикрга қўшилмайман, ҳа, унинг овози йўқ, лекин сиёсий куч сифатида мавжуддир... бар-ча тузилмалари сақланган... агар партия ноқонуний, деб эълон қилинса, у махфий тарз-да фаолият кўрсатади... зарур вақтда бу имкониятлар ўз ку-чини кўрсатади". Бу гапнинг пўписи эмаслиги тез орада кўриниб ҳам қолди.

"Эрк" етакчилари ўзлари-нинг башараларини, аниқроғи, ваҳший турқларини 1993-1994 йиллардаёқ кўрсатишди.

1993 йили Қашқадарё вило-ятининг Китоб ва Косон туман-ларида "эркчи-ларнинг" маҳал-лий фаоллари, 20-25 ёшларда-ги ҳарбий хиз-матни ўтаган, иши юришмай қандай йўл билан бўлса-да пул ишлашга тайёр кайфиятдаги йигитларни Туркияга, гўёки тижоратга ўқитиш ҳамда бадавлат бизнес-менлар буюртмасига кўра шах-сий кўриқчилар сифатида тай-ёргарлик кўришга юбориш каби алдовлар йўли билан тан-лай бошладилар. Уларнинг ре-жалари жуда пухта ўйланган эди. Қайси ота-она ўз ўглининг чет элда таълим олишини, ҳамда катта маош тўланадиган ишга жойлашини орзу қил-майди дейсиз? Таълим ҳуж-жатларини расмийлаштириш ва йўл билан боғлиқ харажат-ларини "сахий амакилар" ўз зиммаларига олганлари ҳам, афсус, ота-оналарни қизиқтир-майди.

1994 йил ноябрида "кўнгил-ли"ларни 5-6 кишилик гуруҳ-ларга бўлиб, Ўзбекистонга олиб ўта бошладилар. Рўзиму-родов ҳар бир гуруҳ йўналиши-ни белгилаб, йўл харажатлари-га пул беради эди. Туркия ва Чеченистонда "кўнгилли"лар Курьон билан қасам ичиб, тай-ёргарлик ва чет элда бўлган даврда уларга маълум бўлган маълумотларни ҳар қандай шароитда ҳам ошкор қилмас-ликка ваъда берганлар.

М.Солиҳ ва шериклари мана шундай "кўриқчилар"ни, аниқ-роғи кўпорувчи ва террорист-ларни тайёрлаган эди. Ўзбеки-стон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бу ишга қонун асо-сида тегишли баҳо берганлар. 20 дан ортиқ киши турли муд-датларга қамоқ жазосига маҳ-кум этилди.

Узоқни кўролмайдиган одамгина ёшларни юқоридаги йўл билан махсус тайёрлаш Ўзбекистоннинг ўз танлаган му-стақил, демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат қуриш йўлини ичдан кўролмайдиган чет эл махсус хизматларининг кўма-гисиз амалга ошмаслигини ту-шунамаслиги мумкин. Бу каби тайёргарликлардан асосий мақсад — зўриқ ва қурол бил-лан давлат тўнтаришини амал-га ошириш ва мавжуд консти-туцион тузумни ағдарилганга ури-нишдир.

Турли манбалардан олина-диган маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда Покистондаги яширин ўқув марказларида Марказий осийликлар, асосан

тожикистонлик ва ўзбекистонлик-лардан 400 киши таълим олмоқ-да. Жумладан Ислмободдаги "Жума ул-Санифия", Мардон шаҳридаги "Тобон" масжидлари-да ислом жангариларининг маф-куравий тайёргарлиги амалга оширилса, Пешовардаги Арбат Роуд худудида ва Жалхоза, Шам-шату ва Окули Хатта қишлоқла-рида уларнинг махсус тайёргар-лиги амалга ошириладиган ўқув марказлари мавжуддир.

Фарғона водийсидан 15 дан ортиқ киши Лаҳор вилояти Рей-ванд шаҳридаги "Даъвати таблиг" ислом марказида 5 ойлик махсус тай-ёргарлик ўтишган. Бу марказлар фао-

вий кўмагига таяниб, 1996 йил-нинг бошида Покистон "Ҳезби ҳаракати Жиход" клерикал таш-килотининг фаол ёрдами билан Т.Йўлдошев бошчилигида "Ўзбе-кистон Исломи Уйғониш парти-яси" (УИУП) ни тузишди. Ҳозир-да бу жинойи уюшма "Ўзбеки-стон Исломи ҳаракати" деб юри-тилмоқда. Маслакдошлари бил-лан биргаликда у собиқ Кўқон хонлиги худудида Тожикистон-нинг Ашт ва Исфара туманлари, Қирғизистоннинг Ўш вилояти, кейинчалик эса бутун Фарғона водийсини қамраб олувчи ислом давлатини ("Кўқон Жамоҳирия-си") тузиш дастурини ишлаб чиқ-ди.

УИУП негизини Тохир Йўлдо-шев ва Жумабой Намангоний жангарилари ташкил қиладилар. УИУПнинг фарбий қисмларида мисрлик, иорданиялик, суданлик ва покистонлик чет эл ёлланма

1997 йил бошида Усама Бен Ладен Қундуз вилоятидаги Хоно-бод яқинида Марказий Осиё дав-латларидан келган ислом жанга-рилари тайёрлаш бўйича янги ўқув маркази очишни таклиф қилди.

Ҳўш, Усама Бен Ладен ким ўзи? У Саудия Арабистони қироллигининг энг бой хонадон-ларидан бирида таваллуд топган (хонадон бойлиги 5 млрд. АҚШ доллари атрофида баҳоланади), ёши 40 ларда. Бен Ладен 1979 йил Саудия университетини ту-гатган. Ўқиш давридаёқ гоёвий муштараклик асосида "Мусулмон биродарлари" халқаро террори-стик ташкилоти вакиллари бил-лан тил топишган. Афғон мужо-ҳидларига ёрдам кўрсатишда фаол қатнашган. Форс кўрфази мамлакатларида араблардан ас-кар ёллаш ва Афғонистонга жўна-тиш марказлари тармоғини ташкил қилган (ёлланма ас-карларнинг йўл ха-ражатлари ва "хиз-

хонасининг фаолият юритиши, шу ернинг ўзида Т.Йўлдошев-нинг шахсий уйи борлиги, унинг шахсий резиденцияси ва УИХ қароргоҳининг Қундузда жойлашганлиги, толиблар бил-лан ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилганлигини кўрсата-ди.

Т.Йўлдошев Покистонда ҳам тез-тез меҳмон бўлиб туради. У мамлакат худудида эмин-эр-кин ҳаракат қилиш имконияти-га эга бўлгани ҳолда, Халқабод ва Пешовар шаҳарларида По-кистон ҳукумати томонидан ўқ отар қурол олиб юриш ҳуқуқи берилган жангарилар кўриқлай-диган УИХ қароргоҳларига эга. 1998 йил баҳорида Т.Йўлдошев Саудия Арабистонида бўлган. Жидда, Макка, Мадина ва Тоиф шаҳарларида ўзбеклар билан улардан молиявий ёрдам олиш ва Саудия Арабистони қирол-лигида доимий яшовчи ўзбек ёшларини ўз сафига тортиш мақсадида учрашган. Ушбу дав-латда бўлган даврида "Ўзбеки-стон ислом ҳаракати" номидан

ҳукуматга қ а р ш и бўхтон ҳуж-жатларни тарқатган. Баъзи мусулмон мамлакат-

ларнинг махсус хизмат-лари билан ҳамкорлик-да толиблар, мужоҳид-лар Т.Йўлдошевнинг жангариларига моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиб туради.

Ҳозирги вақтда Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон чегараларига яқин ерларида Т.Йўлдошевнинг юқорида номи зикр этилган ҳамтовоғи "Намангоний" бошчилигидаги УИХ қисмлари тўпланган. Ҳожиёв Жумабой Аҳмаджонович (Жу-мабой Намангоний, 30 ёшда) ўрта маълумотни Наманганда махсус касб-хунар техника би-лим юртида олган. Армияга ча-қирилиб, Афғонистонга жўна-тилган. 1989 йили хизматдан бўшатиладиган сўнг Наманган, Андижон, Душанбе шаҳарлари-даги диний ҳужраларда ўқиган. 1992 йилдан бошлаб, Тожики-стон Республикасидаги жанго-вар ҳаракатларда қуролли му-холифат томонида қатнашади. Ислам муросасизлигининг ашаддий тарафдори, ўта айёр, ғайритабиий шафқатсиз кимса. Асосий ўзагини Ўзбекистон-нинг шимолий вилоятларидан бўлмиш ўзбеклар ва тожиклар ташкил этган "Наманган бата-льони"ни тузиб, раҳбарлик қил-ган. Асосий базаси Тахор ви-лоятида бўлиб, шахсий қарор-гоҳи Афғонистон Ислам Дав-латининг Толукон шаҳридадир. Хоит аҳоли маскани яқинида (Тожикистоннинг Тожиқобод ва Жирғатол туманлари чегараси-да) "Намангоний"нинг жангари-лари ҳарбий тайёргарлик ма-шғулотларини ўтказадиган по-лигон жойлашган.

Машъум февраль воқеалар содир этилганига бир йил бўлаётган ушбу кунларда ёшларга ўзини мухолифат деб атаётган ёвуз кучларнинг асл башарасидаги ниқобларни салгина очиб кўрсатдик. Ёшлар онгига ўз халқининг қони эва-зига сиёсий шухратпарастлик-дан, бойлик орттиришдан ҳам тоймайдиганлар фирқачилик, диний муросасизлик, миллат-чилик, сепаратизм, фашизм, маҳаллийчилик, жинойи шерик-лик каби "ғоя ва ғояча"лар бил-лан тезда таъсир этишга бор имкониятлари билан ҳаракат қилаётганликларини англаб етган бўлсангиз керак. Бундай фожеаларнинг қайтарилмасли-ги учун ҳаммамиз ҳам бор им-кониятлардан фойдаланиши-миз зарур.

Одил РАХМАТОВ

"МУХОЛИФАТ" У КИМ ЎЗИ?



лиятининг пир-овард мақсади, ўта экстремистик руҳ-даги диний мафку-ранинг муросасиз тарафдорлари, фанатик қараш-лари исломнинг тинчликсевар тамойилларига мос келмайдиган кимсаларни тайёрлашдир. Бун-дай кимсалардан эса кўпорувчи-лик ҳаракатларини амалга оши-рувчи, вазиятни беқарорлашти-рувчи, аънавий ислом негизла-рига путур етказувчи, консти-туцион тузумга қарши курашувчи, охир-оқибатда Марказий Осиё худудида ўта экстремистик шакл ва мазмундаги ислом давлатла-рини барпо этувчи жангари гу-руҳлари ташкил этилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-раларига келаётган ҳужжатлар шундан далолат берадики, бир қатор давлатлар, жумладан, Аф-ғонистон ва Покистоннинг экстр-емистик доиралари ўзларининг Ўзбекистон Республикасига қар-ши кўпорувчилик фаолиятлари-ни кучайтирмоқдалар. Мазкур фаолият юртимизнинг турли худудларида, айниқса, Фарғона водийсида ислом экстремистик гуруҳларидан ташкил топган ан-тиконституциявий тузумларни кўллаб-қувватлашда ёрқин на-моён бўлмоқда. Бу антиконсти-туциявий тузумларнинг ўзагини Тохир Йўлдошев ва Жумабой Ҳожиёв (кўпроқ "Намангоний" лақаби билан танилган) каби 1991-1992 йилларда Наманган вилоятида антиконституциявий чиқишларни уюштириш ва то-жиклараро қуролли тўқнашув-ларда Тожикистон Республикаси-даги ислом экстремистлари то-монидан қатнашуви билан танил-ган кассоб кимсаларнинг тараф-дорлари ташкил қиладди.

Афғонистонга кетгач, номи зикр этилган кимсалар чет эллик ҳомийларнинг моддий ва молия-

аскарлари ҳам бор эди.

Покистон ва Афғонистон худу-дида жангари-террористларни тайёрловчи бир қатор лагерлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 ойдан 6 ойгача давом этадиган таълим Покистон Ислам Респу-бликаси, Афғонистон Ислам Дав-лати ва бир қанча араб мамла-катларидан келган мутахассис-лар томонидан ўзбек ва тожик тилларида олиб борилади. Жан-гарилар ўқ отиш тайёргарлигини ўтайдилар, кўпорувчи-террорчи-лик ҳаракатларини олиб бориш ҳамда портлаш мосламаларини ясаш, захар тайёрлаш усуллари ва улардан фойдаланиш йўлла-рини ўрганадилар, Саудия Ара-бистони, Эрон, Покистон, Иорда-ния ва бошқа мамлакатлардаги ислом диний марказлари мисси-онерлари томонидан ниҳоятда кучли гоёвий таъсир кўрсатиш доирасида бўлади.

Шунингдек, УИУП вакиллари халқаро террористик ташкилот-ларнинг бошқа мамлакатлардан келган жангариларини тайёрлаш учун мўлжалланган лагерларда ҳам таълим олади.

Шундай лагерлардан бири "Ал-Форум" бўлиб, Афғон — По-кистон чегараси яқинидаги Хост туманининг тоғ дарасида жой-лашган. Мазкур лагер 80-йиллар-нинг бошида экстремистларнинг таниқли ҳомийси Усама Бен Ла-ден маблағлари ҳисобига афғон мужоҳидларини тайёрлаш учун барпо этилган эди. Хост тумани-да худди шу йўналишдаги Бадр-1 ва Бадр-2 лагерлари жойлаш-ган бўлиб, уларда 1997 йилдан турли экстремистик гуруҳлар учун кўпорувчи-террористларни тайёрлаш қайта тикланган.

лигидан ташқарида яшайди. Су-дан, Афғонистон, Покистонда яшаган, турли экстремистик таш-килотларга молиявий ёрдам кўрсатишда давом этмоқда. Са-удия Арабистони ва АҚШ махсус хизматлари маълумотларига кўра, ҳозирги кунда у ислом тер-рористларига молиявий ва бошқа тур ёрдам кўрсатувчи ҳомийлар орасида энг эътиборли шахс бўлиб қолди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида бир қатор тер-рористик ҳаракатларни уюшти-ригани ва амалга оширгани учун АҚШ расмий идоралари томони-дан кидирилмоқда.

Маълумотларга қараганда, 1995 йилдан 1998 йилгача бўлган давр мобайнида Бен Ладен Аф-ғонистон Ислам Давлати ва По-кистон Ислам Республикаси худудида Т.Йўлдошев билан бир неча бор учрашиб турли молия-вий ёрдам қилган.

"Толибон" ислом ҳаракати кучлари Афғонистон худудининг талайгина қисмини босиб олгач, Ўзбекистон ислом ҳаракати (УИХ) етакчиларининг ҳам ҳомий-ларига айланди. 1997 йилдан Т.Йўлдошев толибларнинг юқори мансабдор раҳбарияти вакилла-ри билан бир неча бор учрашди. Уларнинг назорати остидаги Аф-ғонистон Ислам Давлати худуди-да эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқи-га эга бўлади. Толибларнинг "Эдо-ре-йе Эхтезор" разведка хизма-ти юртимиз худудида экстреми-стик гоёларни ёйиш, барча му-холиф кучларни Ўзбекистондаги мавжуд конституциявий тузумга қарши кураш байроғи остида бирлаштириш режаларини ту-зиб, УИУП вакиллари билан ўз фаолиятини мувофиқлаштиради.

Қобул шаҳрида УИХ ваколат-

Келажакда чемпионлар кўпайиши керак

Тошкентда Собир Рахимов туманининг "Ўзгент" маҳалла кўмитаси ҳузурда грек-юнон кураши билан шуғулланишга мўлжалланган кураш зали ишга тушди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббусига кўра, "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган йилнинг бошида маҳалла кўмитаси раиси Равшан Абдуллаев кўмагида кураш залини очишга муваффақ бўлди, — дейди Ўзбекистоннинг грек-юнон кураши бўйича Миллий терма командаси мураббийси Равил Биктяков. — Бу ерда "Ўзгент" маҳалласи болалари билан бирга ён-атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи болалар ҳам кураш билан шуғулланади.

Зарурий тренажёрлар, душ ва саунага эга бўлган бу кураш зали болаларга кураш сирларини ўргатиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни кундалик эҳтиёжга айлантириш имконини беради.

Кураш залининг очилишига бағишланган маросимда уч карра Олимпия чемпиони, тўққиз карра Жаҳон чемпиони, Россиялик курашчи Александр Карелин иштирок этди. Йигилганлар олдига сўзга чиқар экан, у Тошкент ҳақидаги таассуротлари билан бирга грек-юнон курашининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди.

Тақдирот маросимида тошкентлик ёш курашчилар билан бирга спорт фахрийлари ҳам курашга тушиб, уларга маълум маънода сабоқ берди.

Пешқадамлар аниқланди

Нукусда энг кучли талаба жамоалар иштирокида баскетбол бўйича Қорақалпоғистон чемпионати бўлиб ўтди. Қизгин беллашувларда Бердақ номидаги давлат университети эркеклар жамоаси голиб чиқиб, Қорақалпоғистоннинг 2000 йилги чемпиони унвонини олди. Бу жамоа энди 25 февралда Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этади. Аёллар жамоалари ўртасидаги голибликни ҳам университет қизлари эгаллаб, Самарқанд шаҳрида ўтадиган баскетбол бўйича мамлакат биринчилигида чемпионлик учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

"НЕФТЧИ" — МУСОБАҚА ГОЛИБИ

Фарғонада "Пахтакор-79" хотира турнири ниҳоясига етди. Унда Фарғона водийсида мамлакат чемпионатининг олий ва биринчи лигаларида тўп сураётган футбол клублари ҳамда Олмаотанин "Қайрат" футболчилари ўзаро куч синашишди.

Икки гуруҳга бўлинган ўн жамоа ўртасида футбол баҳслари курашларга бой бўлди. Турнирнинг финал баҳсида Фарғонанин "Нефтчи" ва Наманганнинг "Навбахор" футболчилари курашди. Азалдан бир-бири учун муносо рақиб сифатида майдонда тўп сурган икки жамоанин голибликка бўлган иштиёқи баланд бўлди. Уйининг асосий вақти 2:2 ҳисобида якунланди. Қўшимча вақтда ҳам ҳар бир жамоа икки бор рақиб дарвозасини ишғол этди. Шундан сўнг турнир голиби 11 метрли жарима тўпи тепиш баҳсларида аниқланди. Бу борада "Нефтчи" футболчиларининг қўли баланд келиб, 3:0 ҳисобида устунликка эришди.

(ЎЗА)

ЎЗА

КОХИРА. Миср президенти Хусний Муборак Исроилни Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнига тўсқинлик қилишдан тийишга чақирди. Миср раҳбари "Франс Пресс" ахборот маҳкамасига берган интервьюсида, Исроил ташқи ишлар вазири Давид Левининг Ливан номига айтган дўқ-пўписасини қаттиқ қоралади. Маълумки, Д.Левин агар "Ҳизбуллоҳ" Исроилнинг шимолий туманларини ўққа тутса, Ливаннинг кули кўкка совурилишини айтган эди. Х.Муборакнинг айтишича, бу пўписа жамоатчилик фикрини жунбўшга келтиради, холос. У Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни барча йўналишларда давом эттирилиши зарурлигини таъкидлади.

БАҒДОД. БМТнинг Ироқдаги инсонпарварлик миссияси раҳбари, Германиялик Ханс фон Спонек март ойи охирида истеъфо бермоқчи. Бу ҳақда БМТнинг Бағдоддаги вакили маълум қилди. Айни пайтда миссия раҳбари истеъфосининг сабаблари маълум эмас.

Ўтган ҳафта фон Спонек Ироқда ин-



сонпарварлик миссияси фаолиятининг тўла амалга оширилишига тўсқинлик қилишда айблаб АҚШ ва Буюк Британияни танқид қилган эди. Шунингдек, у БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзоларига Ироққа инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва уни қуролсизлантириш масалаларини айрича кўриб чиқишни таклиф этганди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ядро синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолаш масаласини АҚШ президенти Билл Клинтоннинг мамлақатга 20 мартга белгиланган расмий ташрифи би-

кида ўтган учрашувда ҳақда келишувга эришилди. Бундан асосий мақсад мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш, юк ташини кўпайтириш ҳамда сайёҳларга кўрсатилаётган хизматни янада такомиллаштиришдир, дейилади ушбу хабарда.

РИМ. 1996 йил сентябр ойидан буён Италия ҳарбий кемалари Андриатика денгизи тубидан 64 минг дона замбарак ўқи, мина, авиабомба ва ракеталар топиб, зарарсизлантиришга муваффақ бўлди. Бу ҳақда мамлакат Вазирлар кенгаши раиси Массимо д'Алема маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, бу рақам Андриатикадаги портловчи моддаларнинг 80-90 фоизини ташкил этади.

Андриатикадан топилётган портловчи моддаларнинг асосий қисми биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврига тегишли. Қолгани эса НАТОнинг Югославияга қарши ўтказган ҳарбий операцияси пайтида денгизга ташланган.

БРЮССЕЛ. Европа Иттифоқи Кенгашининг ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтказилаётган навбатдаги йиғилиши ЕИнинг мудофаа ва хавфсизлик бўйича мувофиқлаштирилган органларини тузишга йўл очиб беради. Айни пайтда Кенгаш доирасида хавфсизлик сиёсати ва ҳарбий кўмиталар, шунингдек, кейинчалик Европа Бош штабига айлантирилиши режалаштирилаётган ҳарбий экспертлар гуруҳи тузилмоқда. Ушбу тузилмалар тўғридан-тўғри ЕИ Кенгаши Бош котибига буйсунади.

ҚОБУЛ. БМТ Бош котибининг Афғонистон масалалари бўйича махсус вакили Франсеск Вендрелл мазкур мамлакатдаги қарама-қарши гуруҳлар ҳали тинчлик музокараларини ўтказишдан йироқ эканини маълум қилди. У Қобулда "Толибон" раҳбарлари билан бўлган учрашувдан сўнг бу ҳақда баёнот берди.

БМТ вакили бир неча кун илгари Душанбеда Афғонистоннинг қонуний президенти Бурхонуддин Раббоний ҳамда Аҳмадшоҳ Мазъуд билан ҳам учрашган эди. Ф.Вендреллнинг айтишича, учрашувда альянс вакиллари Афғонистонда сайлов ўтказиш ҳамда коалицион ҳукумат таркибига киришга розилик бер-

ган. Бироқ толиблар уларни ҳукумат сафида кўришни истамапти.

ВИНДХУК. АҚШ ишбилармон доиралари делегацияси Нигерияга ташриф буюрди. Сафардан кўзланган мақсад икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Африка давлатларида демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашдир.

Нигерия АҚШнинг Африкадаги яқин ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Жумладан, мазкур мамлакат нефтининг қарийб қирқ фоизи АҚШга экспорт қилинади. Бироқ сўнгги йилларда Нигерияда юз берган нотинчлик алоқаларни бироз сусайтирди. Америкалик ишбилармонлар Нигериядан сўнг, Гана ҳамда Жанубий Африка Республикасига ҳам боради.

ЙОХАННЕСБУРГ. Жанубий Африка тараққиёти ҳамжамиятига аъзо давлатлар ягона виза тизимига ўтишга қарор қилди. Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштиро-

ФРАНКФУРТ. Финляндиянинг "Нокиа" телекоммуникация концерни Германиянинг Бохуме шаҳрида уяли телефон ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга туширди. Шимолий Рейн-Вестфалия ерлари Бош вазири Волфганг Клементнинг айти-

шича, янги корхона мингга яқин кишини иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

"Нокиа" уяли телефон ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик концернлардан бири ҳисобланади. Ҳозир унинг дунё мамлакатларида фаолият кўрсатаётган корхоналарида жами 55 минг киши ишлайди. Концерннинг йиллик айланма маблағи эса 20 миллиард еврога тенг.

ЖАКАРТА. Индонезия мудофаа вазирлиги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, мамлакат армиясини такомиллаштириш ҳамда хизматчилар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Мудофаа вазири адмирал Видодо парламентнинг ушбу масалалар билан шуғулланаётган комиссиясига жорий йилда ҳарбий хизматга қўшимча 11,5 минг кишини сафарбар қилиш таклифини киритди. Шунингдек, парламент жорий йилги бюджетдан мамлакат қуроли кучлари учун ажратилаётган маблағни 10 фоизга ошириш ҳақидаги кўрсатмани ҳам тасдиқлаши кутилмоқда.

ПЕКИН. Хитойда касб касалликларига чалинаётганлар сони тобора ошиб бораётди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, ўтган йили шу йўл билан турли дардларга чалинганлар сони 1998 йилдаги кўрсаткичга қараганда 13 фоизга кўпайган. Ҳаётдан кўз юмаётганлар сони эса 68 фоизга ошган.

БЕРЛИН. Европа мараказий банки мутахассисларининг фикрича, Европа Иттифоқи аъзолигида даъвогарлик қилаётган давлатлар ўз молиявий тизимини Маастрихт битими талабларига мослаштириши лозим. Номзод мамлакатлар марказий банklar мустақиллигини таъминламоғи ҳамда молиявий бозор ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш борасидаги қонунларини ислоҳ қилиши зарур, деб таъкидланади ЕМБнинг "Европа молия тизими ва Европа Иттифоқининг кенгайтириши" деб номланган маърузасида.

ҚУРБОНЛИК ТАЛАБ ҚИЛГАН ГЎЗАЛЛИК

Гўзалликни ҳар бир халқ ўзича тасаввур этар экан. Масалан, Бирма мамлакати ҳудудида яшайдиган падаунг қабиласида аёллар гўзаллиги унинг бўйни қанчалар узунлиги билан ўлчанади. Оққушникидек новча бўйинга эга бўлиш учун улар бўйинга махсус халқалар кийиб юради. Қимнинг бўйни камида 30 сантиметрге етса, у турмушга чиқишга тайёр ҳисобланади. Қабил гўзаллари орасида бўйни 40 сантиметрге етadиганлари ҳам кам эмас.

Полинезияда истиқомат қилувчи маори қабиласи эркекларни қулоғи кичик қизларни хотинликка олмайди. Уларнинг оқилона фикрига кўра, келин бўлмишининг қулоғи оғзи билан тенг ҳажмда бўлиши шарт. Шунинг учун бечора оналар қизларининг қулоғини болалигидан катта қилиш билан овера.

Эфиопияда урма деган қабиллада қизларнинг пастки лабини албатта тешиб, унга сопол халқача тақишади. Бечора қиз улғайгани сари унинг лабидаги халқа ҳам катталаштирилади. Шунга қараб унинг қимнидир маҳбубаси бўлиш имконияти орта боради. Мазкур "безак"нинг бошқа маъноси ҳам бор. Халқлар сони кизга қалин учун неча қорамол берилиши мумкинлигини ҳам кўрсатиб туради.

ТАНЛАНИШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

Сиднейлик қиз тезроқ турмушга чиқишни жуда ҳам орзу қиларди. Уйлай-уйлай у ғаройиб ишга қўл урди. Никоҳ қўйлагини кийиб, "Мен эрга тегмоқчиман" деган сўзлар ёзилган тахтачани бўйинга осиб, дўконлардан бирининг витринасига туриб олди. Қиз атиги икки кунгина шундай ҳолатда турди. Шу вақтнинг ўзида 200 дан зиёд турли ёш ва лавозимдаги эркеклар унга харидор бўлди.

Қизнинг айтишича, улардан фақат биттасинигина фикри қатъий эди.

Сиднейлик йигит ҳам ундан ўрناق олиб ўзини "бозорга қўйди". Бироқ унинг бу ҳолатига кўпчилик менсимай қаради. Аёллар йигит турган витрина олдидан жилмайиб ўтишса-да, аммо жиддий аҳамият беришмади. Фақат бир аёл кувёликка номзод олдида тўхтаб, унга костюмига ёпишиб қолган ипни олиб ташлаш ва қора рангли туфли кийиб, юзига ақллироқ тус беришни тавсия этди.

ҚОР ОДАМ БОР ОДАМ

Ўн йиллардан буён тутқич бераётган қор одам Шенноннинг қўриқхонасида пайдо бўлиши билан уни қўлга киритиш учун барча воситалар ишга солинди. Хитой ҳарбийлари, ўрмончилари ва олимлари махсус гуруҳлари ҳамкорликда ҳаракат қилиб, бўйи 2,5 метрга яқин, одамга ўхшаган серҳаракат, маймунсифат махлук тутилди. Қор одам қўриқхонадаги хоналардан бирига қамаб қўйилди.

Аваллига уни Пекинга олиб кетиб, лаборатория шароитида ўргатмоқчи бўлишди. Бироқ "Sun" журналининг хабарига қараганда, Хитой Фанлар академияси олимлари, шунингдек, ҳукумат амалдорлари бу улкан мавжудотни ўзи ўрганган жойдан бошқа ерга қўчирилиши унинг учун ҳалокатли тўғатиш мумкин, деган фикрда қўриқхонада қолдирди. У учун алоҳида жой, сув, озуқа ҳозирланди. Махсус қўриқчилар ва олимлар қор одамнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини назоратдан қочиримаяпти. Шу йўл билан хитойликлар табиатда мавжуд қор одамнинг ҳаётини чуқурроқ ўрганмоқчи.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланиши мумкин.